



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2017 йил 21 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 36 (13.369)

Баҳоси эркин нарҳда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан табрик йўллади.

Ушбу сана арафасида келган мактубда бундай дейилади: "Мамлакатларимиз 19 февраль куни АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигини нишонлайди. Биз икки томонлама муносабатларда эришилган кўплаб натижаларимиз билан faxрланишимиз мумкин.

Келгуси йилларда ҳам минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги умумий мақсадларимизни амалга оширишда Сиз билан ҳамкорликда ишлаймиз, деган умиддаман. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Республикаси ва унинг қўшни давлатлари суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, шунингдек, Сизнинг Марказий Осиёни янада тараққий эттириш ва ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлайди".

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампга табрик мактубида бундай дейилади: "Ўтган даврда ўзаро дўстлик ва шериклик муносабатларида мустаҳкам пойдевор яратилди. Кўп қиррали ҳамкорлигимиз изчил ва кенг қўламлилик касб этди".

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ташқи сиёсатининг фундаментал принцип ва концептуал асослари ўзгармасдан қолишини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатлари билан аънавий муносабатларни сақлаш, ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг қатъий тарафдоридир.

Мактубда Америка бизнесининг мамлакатимизда ўзққ мuddатли фаолият юритиши ҳамда АҚШнинг етакчи корпорация ва компаниялари билан инвестициявий-технологик ҳамкорликни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзаро англашув, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни янада ривожлантириш Ўзбекистон ва АҚШ халқлари манфаатларига хизмат қилишини қайд этган.

ЎЗА

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси онкология илмий маркази ва Н.Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ҳожибоев ва бошқалар мамлакатимизда аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизими яратилгани ва соҳа босқичма-босқич такомиллаштирилаётгани инсон саломатлигини асрашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 5 январь ва 7 февраль кунлари бўлиб ўтган мажлисларда соғлиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ этиш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, тизимда ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш ва тиббий ривожини янги босқичга олиб чиқиш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, жаҳон тиббиётининг бу борадаги илғор ютуқларини ўлаштириш, касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Миллий матбуот марказида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди олдида турган вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят ва шаҳар бўлинмалари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули бўлган маҳалла институтини ривожлантириш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ваколатларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтармоқда.

Мустақиллик йилларида маҳалла институти халқимизнинг меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва меҳмондўстлик каби фазилатларини намоён этадиган ноёб тузилмага, аҳолининг мустаҳкам таянчига айланди. Унинг ташкилий-ҳуқуқий асосла-

ри такомиллаштирилиб, вазифалари кўлами кенгайди ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди.

– Кейинги беш йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлари, маҳаллалар ва улардаги жамоатчилик тузилма-

лари фаолиятига оид 20 га яқин низом қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди, – дейди ЎЗА муҳбирига "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими масъул котиби Н.Мусаев. – Янги фармоннинг қабул қилиниши бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш ва маҳалла институтини янада такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маҳалла институтини қўллаб-қувватлашга қаратаётган бундай эътибори маҳаллаларнинг юртимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, миллий урф-одат ва аънавларимизни кенг тарғиб қилиш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



МЕҲР ВА ЭЪТИБОРГА ЙЎҒРИЛГАН САБОҚЛАР

...Мактабгача тайёрлов гуруҳида қизиқарли машғулот бошланди. Тарбиячи-логопед "Паррандалар ҳовлисида саёҳат" деб номланган мавзунинг замонавий педагогик технологиялар асосида интерактив усулда ўтмоқда.

Ноутбукда "Жўжа" мультфильмининг намоиш этган тарбиячи энди ўртага топшмоқ ташлади. Болаларнинг биринчи кўл кўтариб, жавобни энг биринчи айтишга чоғлангани.

– Бундай қизиқарли ўйинларда телевизор, DVD, компьютер, сўзловчи алифбо ва бошқа тарқатма материаллардан унумли фойдаланиш лозим, – дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 525-маҳсус мактабгача таълим муассасаси логопеди, "Шуҳрат" медали соҳибаси Ойдин Ибрагимова. – Бу болаларнинг нутқ маданиятини ўстириш, математик тасаввурларини бойитиш, мантиқий фикрлашнинг ривожлантиришга хизмат қилади.

Ойдин Ибрагимова ўн беш йилдан буён кичкинтойларга сабоқ беради. Ушбу таълим муассасаси нутқда нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган бўлиб, тарбиячилар билан бир қаторда логопедлар ҳам меҳнат қилади.

Муассасасига кириб борар экансиз, гўё эртанги шаҳарчасига тушиб қолгандек бўласиз. Ҳовлида сув ҳавзаси, сув жониворлари...

Масканда таълим-тарбия ишлари "Болажон" дастури асосида ташкил этилган. Педагог, руҳшунос, логопед, инглиз тили, жисмоний тарбия ва musiқа мутахассисларидан иборат ахил жамоа тарбияланувчиларнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтиши йўлида сидқидилдан меҳнат қилади.

Таълим муассасасидаги "Камалак", "Олмадон", "Лола", "Қуёнча", "Қалдирғоч", "Бинафша", "Қуёшча", "Марварид" каби гуруҳларнинг хоналари болаларнинг руҳияти, беғубор ва бой тасаввуридан келиб чиққан ҳолда жиҳозланган, озода ва шинам. Девоқларга турли мавзуларда ёрқин, эътиборни тортувчи, кишига эстетик завқ бағишловчи расмлар қизилган. Турли-туман ўйинчоқлар ўғил-қизларнинг ҳар томонлама таълим-тарбия олиши, сюжетли-ролли ўйинлар ўйнаши учун хизмат қилади.

Болаларнинг илк билимлари шаклланиши, тафаккур доираси кенгайиши, мустаҳкамланиши ва бойишида қизиқарли машғулотлар муҳим саналади. Шу боис машғулотлар давомида халқ эртанлари, достонлар, макол ва тез айтишлар, топшмоқлардан самарали фойдаланилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу тизим фаолиятини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

525-маҳсус мактабгача таълим муассасасида педагог кадрларнинг малакасини янада оширишга, ўқув режа ва дастурларни замонавий педагогик технология ва методларни ино-

батга олган ҳолда такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсондаги феъл-атвор туғма бўлса-да, уни беш ёшга қадар ўзгартириш – тарбиялаш мумкин. Фарзандларимизнинг айни шу ёшда оила ёки мактабгача таълим муассасалари бағрида бўлишини инобатга олсак, бу ота-она ва тарбиячи-мураббийларга катта масъулият юклайди.

Ойдин Ибрагимова ушбу масъулиятли вазифани сидқидилдан ҳис этади, ўз устида тинмай изланиб, малакасини оширишга интилади. У фаолиятини эндигина бошлаган кезларида дефектология соҳасида адабиётлар кам, ўқув-қўлланмалар йўқ эди. Шу боис ёш мутахассис билимини ошириш мақсадида соҳага доир хорижий адабиётларни ўрганди, уларни ўзбек тилига таржима қилди, янги методик қўлланмалар яратди. Педагогнинг "Қуёноқ ҳарфлар" номли илк қўлланмаси қўллаб тарбиячи-логопедларнинг оғирини енгил қилди. "Болалар нутқини ривожлантирувчи маҳсус ўйинлар" номли иккинчи китобида мактабгача таълим муассасаларидаги кўп йиллик тажрибасини умумлаштирди ва китоб ҳамкасбларининг яқин дастўрига айланди.

– Нутқда нуқсон бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқдамиз, – дейди ЎЗА муҳбирига О.Ибрагимова. – Нутқни коррекциялаш орқали биз, логопедлар боллага мулоқот эркинлиги, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, мактабда муваффақиятли ўқиш ва ривожланиш имконини беришимиз керак. Бу ҳамкорликда ишлашнинг тақозо қилади. Логопед ва дефектолог, тарбиячи, ҳамшира иштирокида қизиқарли ўйинлар асосида ташкил қилинган якка тартибдаги ҳамда умумий машғулотлар болаларнинг нутқини ўстиришга, диққатини жамлашга кўмаклашди, хотирасини мустаҳкамлаб, фикрлаш доирасини кенгайтиради.

Логопеднинг таъкидлашича, мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган машғулотларда дидактик ўйинларнинг аҳамияти катта. Уларни кенг қўллаш бола тафаккури, идрок, эҳти, хотираси, иродаси, билим олишга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ойдин Ибрагимова ўйинларни болаларнинг ёши ва руҳий ривожланишига қараб танлайди. Таълим йўналишидаги ўйинлар орқали болаларда мустақиллик, фаоллик, ижодкорлик, масалага онгли ёндашиш малакасини ўстириб боришга ҳаракат қилади.

Азиза ҚИЁСОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервида бўшашиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Навоий вилоятида йигитларни мuddатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● Фарғонада "Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда турли номинациялар бўйича голиблар тақдирланди. Таниқли санъаткор ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури намоиш этилди.

● Самарқанд вилоятининг Булунгур туманидаги 9-болалар musiқа ва санъат мактабида "Ижодкорлар – инсон қалбининг муҳандислари" мавзусида адабий-бадиий кеча ўтказилди.

● Андижонда "Йилнинг энг фаол аёли" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан партия сафидаги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, ташаббускор ва фаол аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилган мазкур танловда куйи босқичларда голиб бўлган хотин-қизлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Олтой ўлкасига кучли қор бўрони хуружи туфайли катта ноқулайликлар келиб чиқди. Жумладан, 12 та аҳоли турар жойларидаги 7 мингдан ортиқ киши электр тизимидан узилиб қолди. Кўпгина асосий транспорт йўллари ёпилди. Йўللарда қолиб кетган машина ҳайдовчиларига ёрдам кўрсатиш учун жойларда 57 та исиниш пунктлари очилди. Табиий офат туфайли ўлкада фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

● Хиндистонда жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг замонавий техникалари намоиш этилган ҳолда "Аэро Индия 2017" халқаро авиакосмик шоу-кўргазмаси бўлиб ўтди.

● Чилида аънавий томат жанги фестивали бўлиб ўтди. Унда барча хоҳловчилар бир-бирларига кўпроқ помидор отиш бўйича беллашдилар. Еттинчи марта ўтказилган ушбу ғайритабиий мусобақада 100 тонна ғарқ пишган помидордан фойдаланилди. Тепадан ўт ўчирувчиларнинг сув сепиш анжуми орқали бошидан оёғигача помидор шарбатига беланган иштирокчиларга сув пуркаб турилди.

● Грецияда музейлар, халқаро туризм объектлари ишчи-ходимлари томонидан иш ташлаш акцияси амалга оширилди. Соҳа ходимлари меҳнат шарт-шароитларининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Миллий матбуот марказида “2016 йил сарҳисоби ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да фуқаролар билан ўзаро муносабат” мавзuida анжуман ташкил этилди.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Унда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳар прокуратураси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Меҳнат бошқармаси, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚ департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистонда қисқа давр мобайнида сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими каби қўллаб йўналишларда эришилган ривожланиш ва оқсалиш натижалари, мустақиллиқнинг кенг имкониятлар манбаи эканлиги, мустақиллик йилларида эришилган энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар миллий ва умумба-шарий қадриятларга ўйғун бўлиб бораётганлиги ҳақида сўз юритилди.

Маълумки, ўтган йилларда тadbиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва ман-фаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Негаки, иқти-содиётни ривожлантиришда, аҳолини фаровон турмуш кечиришини таъ-минлашда тadbиркорлик субъектлари фаолияти, ҳуқуқ ва манфаатлари-ни ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

– 2016 йилда тadbиркорлик субъектларидан Адлия бошқармасига 324 та муносабатлар келиб тушган бўлиб, шундан 177 таси шикоят тариқасидаги муносабатларни ташкил этади, – дейди Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Абдурахмон Сафоев. – Келиб тушган ши-коятлардан 164 таси қўриб чиқилган. Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш, фаолиятига асоссиз аралашш ва шу каби ҳар бир қонун бўзилиши фавқулодда ҳолат сифатида баҳолашни, айбдор шахсларга қатъий чоралар қўрилиши таъминланган.

Таъкидлаш ўринлики, ўтган даврда аҳоли, айниқса ёшларнинг сиё-сий фаолиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оила мустақиллиги, барқамол авлод тарбияси, гивъандликка қарши кураш, одам савдоси муаммолари, тadbиркорлик ва аҳоли бандлиги масалалари, “оммавий маданият” ниқоби остида четдан кириб келаятган турли салбий ҳолатларнинг олдини олиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатла-ри йили” деб эълон қилиниши муносабати билан фахрийларга кўмак бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат но-тариял идоралари нотариуслари томонидан “беғул ҳуқуқий маслаҳат қунари” ташкил этилаётганлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Адлия бошқармасида жисмоний ва юридик шахс-ларнинг муносабатларини ҳар қуни қабул қилиш мақсадида “қабул қу-нари жадалли” тасдиқланиб, масъул ижроичилар бириктирилди. Адлия бошқармасига келиб тушаётган ҳар бир муносабат қонунга мувофиқ қўриб чиқилмоқда.

Тadbирда Адлия бошқармасининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолияти, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданият-ни юксалтириш бўйича ҳуқуқни муҳофиза этувчи идоралар ва фуқаро-лик жамияти институтилари билан ҳамкорликда амалга оширилган иш-лар юзасидан журналистларга батафсил маълумотлар тақдим этилди.

З. ШАРИФЖОНОВ

Маълумки, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кўчайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, фуқароларни қонунга итоатқўйлик ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришининг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз ва ўз вақтида бажарилишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида тарқатиш, ижроичиларга ва аҳолига уларнинг моҳияти ва мазмунини тушунтиришининг самарали механизмларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотга, жумладан, ин-сон ҳуқуқлари ва эркинликларини тарғибто со-лувчи, давлат органлари ва мансабдор шахс-ларнинг ушбу ҳуқуқларга риоя қилиш ва уларни ҳимоя этиш мажбуриятларини белгилаб берув-чи қонун ҳужжатларининг очик-ошоралиги, улар-дан эркин фойдаланиш учун барча шарт-шароит-ларнинг яратилганлиги муҳим ўрин тутди. 2014 йилда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда дав-лат бошқарувини янада демократлаштириш, дав-лат ҳокимияти ва бошқаруви фаолияти очикли-гини таъминлаш борасидаги муҳим қадамлар-дан бири бўлиб, унга кўра аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг ва оммавий ахборот воси-таларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид маълумотлардан кенг хабардор бўлишини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахс-ларнинг муносабатлари тўғрисида”ги қонун дав-лат органлари ҳамда муассасаларига жисмо-ний ва юридик шахсларнинг муносабатлари со-ҳасидаги муносабатларни тарғибто солиш учун кенг қамровли ташкилоти ҳуқуқий имкониятлар яратилди. Бу эса ўз навбатида жамиятда сиё-сий ва ҳуқуқий маданиятни оширишга, фуқаро-ларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этиш бўйича демократик қўнқималарга эга бўлишга, фуқаролар, давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва маж-буриятларини амалга оширишлари ва бош-қарувининг барча босқичларида қўнқимлигини, фуқароларнинг давлат ва жамият доирасида қонун-га мувофиқ ҳуқуқ-атворини мустаҳкамлашга, дав-лат органларида фуқароларнинг муносабат қилишларида сабаб бўладиган ҳолатларни ка-майтириш, давлат маблағларини тежашга қўмақлашди.

Хозирда фуқароларга ҳуқуқий ахборотни ет-казиш асосан қўйилган шаклларда оммавий ах-борот воситалари орқали, ҳуқуқий ахборот ва ҳуқуқий таълим бериш, юридик ва бошқа ижтимо-вий амалиёт жараёнида ҳуқуқий ахборот, ин-тернет ёрдамида ҳуқуқий ахборот бериш, кўргаз-мали ҳуқуқий тарғибот орқали ҳуқуқий ахборот бериш орқали амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда, давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқшунос олимлар, турли жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воси-талари билан ҳамкорликда ҳуқуқий мазмунлар-да тарғибот-ташвиқот ишларининг қўлама ҳам кенгайиб бормоқда. Ўз навбатида, фуқаролар-нинг юқори даражадаги ҳуқуқий саводхонлигига эришиш жараёни асосан қуйидаги учта усул ва воситалар ёғни, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий тар-бия ва ҳуқуқий таълим ёрдамида амалга оши-рилишини қайд этиш мумкин.

Мазкур қарорда қайд этилганидек, амалга оширилган чора-тадбирларга қарамай, қонун ҳужжатларини тарқатишининг яхлит тизими шакл-

ланмаган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, расмий тарқатмаларни ижроичиларга етказишининг, тушунтириш ишларини олиб бо-ришининг тартиби ва мuddатлари ҳамда бу со-ҳадаги назорат ўрнатилмаганидандалолат беради.

Хусусан, фуқароларни ҳуқуқий хабардор қилиш, асосан, аънавий оммавий ахборот воси-талари орқали, аксарият ҳолларда ҳоғоз кўри-нишда амалга оширилаётганлиги, бу эса ҳуқуқий ахборотнинг тўлқилиги ва эркин фойда-ланилишига, тезкорлигига, унинг ўз вақтида тар-қатилишига салбий таъсир кўрсатишини ҳам қайд этиш мумкин. Айниқса, бу ўринда аҳо-лининг ижтимоий фаол қатламлари, шу жумла-дан, тadbиркорлар ва ёшларнинг ахборотга

ятларини ҳам кенгайиб бораётганлигини ҳам инобатга олиш лозим.

Эндиликда вазирлик, давлат қўмиталари, идо-ралар, ҳўжалик бошқаруви органлари ва ма-ҳаллий давлат ҳокимияти органларининг му-ҳим вазифалари этиб, қабул қилинган норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни ижроичиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг мо-ҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари матнидан монелик-сиз фойдаланиш имконини яратиш ва ўз тар-кибий ва ҳудудий бўлиmlарларида қонун ҳужжа-тлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш бел-гиланади.

АХБОРОТ ТАРҚАТИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

бўлган эҳтиёж ва сўровлари инобатга олинма-япти. Вахолонки, бугунги кунда фуқароларимиз-нинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда интер-нет тармоғидан фойдаланиш ҳам самарали воси-талардан бирига айланиб бормоқда. Ўртин-да Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал сўрьатлар билан кенгайиб, улар-нинг сони 10 миллиондан ортиб кетди. Сўнгги йилларда ҳуқуқий ахборот тўрлима тарқийб жи-ҳатдан анча яхшиланиб, ҳуқуқий ахборотни жа-марлиш ва қидириш автоматлаштирилган тизим-лари яратилди. Шу сабабдан мамлакатда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжа-тларни тарқатиш, нашр этишни ташкил қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси” – lex.uz сайти-да жойлаштириш бўйича ишларнинг самара-дорлигини оширишга қаратилган салмокли чора-тадбирлар амалга оширилиши, турли да-ражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти орган-ларининг тегишли веб-сайтларида аҳоли билан бевосита мулоқот тизимининг йўлга қўйил-ганлиги ва ушбу ахборот маконида ҳуқуқий масалаларга алоҳида ўрин бериш айниқса, маҳаллий ҳокимликларнинг асосий вазифа-ларидан бирига айланишида ҳам муҳим ўрин эгалламоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси-нинг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Элек-трон ҳужжат айланиши тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”, “Электрон ҳуқуқат тўғрисида”ги қонунлар ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, кор-хоналар, идоралар ва турли ташкилотлар ўрта-сида электрон ҳужжат айланишининг йўлга қўйил-лиши, бу эса ўз навбатида, давлат органлари-га электрон тартибда муносабат қилиш имкони-

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишнинг хусусиятлари “Норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палата-сига киритиш тартиби тўғрисида”ги, “Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекис-тон Республикаси қонунларида белгиланган. Ушбу қарорда 2017 йилнинг февралдан Қонун-чилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳа-лари матнларида тегишли қонунлар қабул қилин-гандан кейин унинг ижросини ташкил этиш, иж-роичиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган аниқ давлат органлари, шу жум-ладан, давлат бошқаруви органлари кўрсатили-ши шартлиги назарда тутилмоқда.

Яна бир янгиланган бири норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш асо-сини, унинг аҳамиятини, шунингдек, қабул қили-нишидан қўтилаётган натижа бўйича қисқача маълумотни ўзидан акс эттирган тушунтириш хати, ўзгаришлар ва қўшимчалар тушунтирил-ган ҳолдаги таққослаш жадвали Қонун ҳужжа-тлари маълумотлари миллий базасида ҳам эълон қилиниши қўзда тутилмоқда. Бу ўринда Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилотлари-нинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлашти-рувчи, услубий раҳбарлик ва назорат қилувчи ваколатли орган сифатида белгиланмоқда.

Адлия вазирлигига норматив-ҳуқуқий ҳужжа-тларни барча давлат органлари ва ташкилотла-рига текзор етказиш вазифаси юклатилиб, бун-дан буён барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар им-

золанган қуни ахборот-таълилий материаллари билан бирга қоғоз ва электрон шаклда Адлия вазирлигига юборилади, Адлия вазирлиги эса бир кўнлик мuddатда норматив-ҳуқуқий ҳужжа-тларни ва тегишли ахборот-таълилий материал-ларни электрон шаклда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб бериладиган рўйхат бўйи-ча барча давлат органлари ва ташкилотларига етказилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги янги қабул қилинган ҳужжатларни Қонун ҳужжатлари маъ-лумотлари миллий базасига бир кўнлик мudd-датда жойлаштиради ва ҳар ҳафта Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами-да эълон қилиб боради. Қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига сифати ва самарали ту-шунтириш мақсадида тарғибот тadbирлари ва тушунтириш ишлари масъул давлат органлари томонидан медиа-режалар ишлаб чиқиш, ҳуқуқий тарғибот бўйича гуруҳлар тузиш, туркум теле, радиокурслар ташкил қилиш, ОАВда мақо-лалар, ахборот материаллари эълон қилиш ва бошқарув орқали амалга оширилади.

Мазкур қарорда Ҳуқуқий тарғибот ва маъри-фат бўйича давлат органлари ишларини муво-фиқлаштириш бўйича идораларга кенгашилган янги таркиби ҳамда унинг таркибига ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар, судлар давлат бош-қаруви органлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритила-диган ҳудудий комиссиялари ташкил этилмоқ-да.

Ушбу соҳада вакиллик органларининг роли-ни қўчайтириш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва халқ депутатлари Кенгашларида Ўзбекистон Респу-бликаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқарма-ларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тарка-ти шохсиданги ҳисоботларни эшитиш амали-ети йўлга қўйилиши назарда тутилмоқда.

Қарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарка-тишининг амалий механизмларини, шу жумла-дан, ҳуқуқий ахборотни таълим, ахборот-қутуб-хона муассасаларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мажбурий тарқатишни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтиларининг фаол иш-тирокида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маз-мун-моҳиятини тушунтириш чораларини амалга ошириш тартибини, мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ва-зирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ва бошқа давлат органларининг ваколат ва жавабгарлик-ларини назарда тутувчи “Ҳуқуқий ахборотни тар-қатиш ва ундан фойдаланишнинг таъминлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни назарда тутди.

Мамлакатимизда ташки иқтисодий алоқалар қўламининг йилдан йилга кенгайиши, чет эл сармояларини жалб этиш, хорижий фуқаролар-нинг тadbиркорлик фаолияти учун муҳим икти-содий механизмлар яратилиши туфайли қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини та-комиллаштириш, хусусан, энг кўп талаб қили-надиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнла-рининг инглиз тилидаги маълумотлар банкни яратиш бўйича чоралар белгилаш эҳтиёжини талаб этади.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш ҳуқуқий ахборотни замонавий ахборот-коммуникация тех-нологиялари ёрдамида тарқатиш тизимини туб-дан такомиллаштиришга, ижроичилар ва аҳоли-ни қонунчиликнинг мазмун ва моҳияти тўғриси-да ҳуқуқий хабардор қилишнинг сифатини яна-да оширишга, пировардида бу фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва саводхонлигини оши-риш давлат сиёсатининг устувор вазифалари-дан бири сифатида эълон қилиш ҳизмат қилади.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори



ИҚТИСОДИЙ БАҲҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Маълумки, кейинги йилларда энергетика соҳасининг муқобил тури ҳисобланган қайта тикланувчи энергия манбалари глобал аҳамият касб этиб, дунё иқтисодиётидаги устувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда ў ёки бу давлатнинг барқарор ривожланиши учун энергетика тармоғида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш салмокига узвий боғлиқ бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис ушбу соҳанинг қонун-чилик базасини такомиллаштиришга эътибор қаратил-моқда. Чўнки айнан шу йўл орқали ушбу соҳа муно-сабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади ва унинг ривожини таъминланади.

Таҳлилларга қараганда, ҳозиргача 80 га яқин мам-лакатда муқобил энергия манбалари соҳасида мил-лий қонунчилик яратилган. Айниқса, сўнгги ўн йил-ликда мазкур соҳада Австралия, Бельгия, Бразилия, Канада, Хитой, Дания, Эстония, Чехия, Франция, Гер-мания, Ирландия, Жанубий Корея, Португалия, Син-гапур, Швеция, Швейцария, Ҳиндистон ва Монголия каби мамлакатларда тегишли қонунлар қабул қилин-ган ҳамда амалдаги қонунчиликка ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган.

Кўпгина мамлакатларда қонун йўли билан дав-лат, бизнес ва нодавлат сектор эътиборини мазкур соҳага қаратиш, муқобил энергия манбаларининг ривожини учун давлат томонидан рағбатлантирувчи чо-раларни қўриш, субсидиялар сиёсатини қўллашга нисбатан муносабат шаклланган, 50 дан ортиқ дав-лат қонунчилигида рағбатлантириш ва субсидия акс эттирилган. Масалан, Хитойда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, қайта тикланувчи эн-ергия манбаласини, хусусан, қуёш ва шамол энергияси-дан олиннадиган электр манбаини умуммиллий электр тармокларига улаш назарда тутилган. Бу давлатда

қайта тикланувчи энергия манбаларига қатор имти-ёзлар белгиланган.

Муқобил энергия манбалари бўйича халқаро қонун-чилик тажрибаси ҳақида сўз борганда Европа мисо-лида бу борадаги амалиётга алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Эеро, бу минтақада мазкур со-ҳада етарлича тажриба тўпланган бўлиб, бундай ман-баларни ривожлантириш минтақа энергетика сиёса-тининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Қабул қилин-ган ҳужжатларда қайта тикланувчи манбалар ёрдами-да олиннадиган электр энергиясининг улушини 2020 йилга бориб 20 фоизга етказиш назарда тутилган. Амалдаги қатор қонунчиликка биноан, қўриладиган чоралар натижасида Европа Иттифоқида 2020 йилда қайта тикланувчи энергия манбаи соҳасида 2,8 мил-лионга иш ўрни яратилиши, қайта тикланувчи эн-ергия индустриясининг иттифок яғли ички маҳсулоти-даги ҳиссаси 1,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаи йўналишида миллий режа, махсус дастур ишлаб чи-қиш, мазкур соҳа учун олий ва ўрта-махсус ўқув юрт-ларида кадрлар тайёрлаш бўйича тизим яратиш каби долзарб вазифаларнинг амалиёти муҳим аҳамиятга эга. Чўнки улеводдор хом ашёсининг жаҳон миқёсидаги захиралари камайиб бораётган шaroитда муқобил эн-ергия манбаларидан амалда фойдаланишга иқтисодиёт-нинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишининг энг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Дурбек МАКСУДОВ,
“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тиббиёт муассасаларида бу вазифаларни ҳаётга тат-биқ этиш мақсадида кенг қўламли ишлар олиб борил-моқда. Хусусан, онкология хизматини янада ривожлан-тиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Кейинги йилларда аҳолига онкологик хизмат кўрс-атувчи шифо муассасаларининг барчаси босқичма-бос-қич модернизация этилди. Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятларидаги онкология диспансерлари биноси ян-гидан қурилди. Фаргона, Навоий ва Жиззах вилоятла-ри онкология диспансерларида радиология бўлиmlари очилди. Диагностика ва даволаш амалиётига янги тех-нологиялар кириб келмоқда. Ихтисослаштирилган тиб-бий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш, тиббий-профи-лактика ва патронаж ёрдамни ривожлантириш бора-сида олиб борилаётган ишлар касалликларнинг олди-ни олиш ва барвақт аниқлаш имкониятини яратмоқда.

Бу ишларни янада такомиллаштириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистонда онкологик касал-ликларнинг олдини олиш ва даволаш ишларини ри-вожлантириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилмоқ-да. Унинг доирасида Республика онкология илмий мар-кази ва вилоятлардаги диспансерларнинг моддий-тех-ник салоҳиятини янада яхшилаш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш режалаштирилган. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда жаҳон-даги нуфузли илм-фан муассасалари билан ҳамкор-лигини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Н.Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази жаҳондаги етакчи тиббий-илмий муассасалардан би-ридир.

Тadbирда Россия онкология илмий маркази ва Ўзбе-кистон Республикаси онкология илмий маркази ўрта-сида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унинг доирасида онкологик касалликлар билан курашиш бўйича илмий, амалий ва услубий ҳамкорлигини ке-нгайтириш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, илм-фан ютуқларини оммалаштириш, тиббий хизматни ри-вожлантириш бўйича қатор тadbирлар режалаштирил-ган.

– Ўзбекистон онкология хизматининг илмий-амалий, моддий-техник салоҳияти жаҳон андозалари талабла-рига тўла жавоб беради, – дейди Н.Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази директори, академик Михаил Давидов. – Бугунги тadbир ўзаро муносаба-тларни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди. Илмий-амалий алоқаларни янада кенгайтириш, замо-навий технологиялар юзасидан тажриба алмашш, кадр-лар тайёрлаш ва тиббий таълимни такомиллаштиришга доир қатор лойиҳаларни режалаштирғанмиз. Бу ишлар тиббиёт ривожини ва инсон саломатлигини мустаҳкам-лашга хизмат қилади.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ҲУНАРДАН ЗАР УНАР

Яхши ният, эзгу истак албатта амалга ошади. Бунинг учун интилиш, ҳаракат бўлса кифоя. Ахир, “Ҳаракатда – баракат”, дейишади-ку! Ана шундай интилиши туфайли фаолиятини дастлаб ўз уйда чеварчилик қилиб бослаган Ҳилола опа бугун каттагина корхона раҳбари. Орзулари ушалиб, маҳсулотлари харидорларга манзур бўлаётган Ҳилолахон Абдухалимова бугун танлаган касбидан мамнун.

– Ҳар бир аёлнинг қўлида ҳунари бўлгани яхши, ҳунарыманд аёл турмуш ўртоғига тирғак бўлиб, оиласи-ни фаровон қилади, – дейди тadbиркор. – Ахир айти-шади-ку, илм олиш билан бирга ҳунар ўрганишнинг эрта кечи бўлмайд.

Бир қатор қилиб кийим илгичга осилган кийимлар-ни томоша қилиб туриб корхонада меҳнат қилаётган хо-тин-қизларнинг меҳнатига таҳсин айтасиз. Чеварга би-ринчи баҳо у тиккан чокларга қараб берилади. Чоклар қанчалик текис бўлса, кийимнинг сифати ҳам юқори бўлади, дейишади. Мазкур кийим-кечакларда ана шу устулликни сезиш қийин эмас. Дарҳақиқат, улар ҳар қандай диди нозик мижозга манзур бўлади. Шунинг учун бўлса керак, цехга бюромта берувчиларнинг кети узиламайди.

– 2016 йилда харидорларга 300 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердик, – дейди Ҳ. Абдухалимова. – Ҳозирда 15 нафар ишчи ва беш нафар шогирдларимиз 30 дан ортиқ тикув ва махсус машиналарда кенг ас-сортиментдаги хотин-қизлар либосларини тикмоқда. Келгусида банкдан сармоя олиб фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ ҚОНУНИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

XXI асрда янгилик яратиш осон эмасдек. Зеро, минглаб йиллар ичида айтилмаган фикрлар, ғоялар, тасаввурларнинг ўзи қолмаган ҳисоб. Аксар янги деб билган нарсамиз унутилган эски нарса бўлиб чиқади.

Бундан ҳам ёмони унинг бошқа бировга тегишли бўлиб чиқишида. Масалан, янги деб тинглаётганимиз мусика чет элдан олдинроқ ёзилган мусикани такрорлайди. Асар янгилиги ёки унга "янги муаллиф" пайдо бўлиб қолди, чалқиб қолди ҳеч гапмас.

Ахборот технологиялари даврида билим олиш ўқушлари кенгайган сари бошқаларнинг ижодий меҳнатини ўзлаштириб олиш имкониятлари ҳам ошиб бормоқда. Кўпинча, ҳуқуқлари бузилган муаллифнинг ўзидан бошқалар бунга қатъиям беришмайди. Қонунга кўра бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаллифнинг ўзига ҳавола.

Айтиш керакки, қонунчиликка кўра, муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан таъбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлиши фан, адабиёт ва санъат асарига нисбатан уларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек ифодаланган усулидан қатъи назар, таъбиқ этилади ҳамда уни яратиш факти бўйича юзага келади. Асар қимминг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фактор асар муаллифи деб эътироф этилади.

Қонун нуктаи назаридан бадий ҳижатдан сўз асар ҳам ўзининг ҳақиқий муаллифига эга. Ёки, ўлдир-қийди каби жумлалардан тизилган шеър ҳам муаллифнинг ижодий меҳнати саналади. Шу боис, айрим "ижодкор"ларнинг қаттиқ тиришиб меҳнат қилишлари ҳам юридик ҳижатдан ҳимоя қилинади, яъни бадий савиясидан қатъи назар, ҳар қим ўз асарига ўзи муаллифлик қилиши лозим бўлади.

Бу борада муаллифлик асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга ва чекланмаган миқдорда даромад қўришлари мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Фўқаролик кодексининг 9-моддасида фўқаролар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Шу боис, ижроичилар, созанда, хонанда, раққослар, режиссёрлар ва барча бошқа ижодкорлар деган кишилар, қайси соҳа вакили бўлишларидан қатъи назар, бунинг унутмасликлари керак. Зеро, охори тўқилмаган сўз, ҳалқимиз маънавиятига муносиб ижролар ва ҳақиқий илмий янгиликлар жамиятда доим ўзининг қадрини топади.

Ҳақиқатан бугунги кунда янгилик яратиш осон эмасми? Аслида, бугунги даврда изланувчан инсонлар учун янгиликлардан баҳраманд бўлиш жуда қулай бўлиб қолди. Шу билан бирга, замонавий технологиялар асар янгилиги ёки "янги муаллиф" тўғрисида деган саволга жавобни ҳам осонлаштириб юборди. Зеро, бу — жамият учун муҳимдир.

Ойбек ҲАКИМОВ



ЁШЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Сўнгги йилларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу бежиз эмас. Негаки, ўз ҳуқуқини билган ва ҳимоя қилганлар ҳаётда адашмайди. Мустақиллик йилларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда ёшларимиз фаол иштирок этмоқда. Зеро, улар эртанги кунимиз эгаларидир. Ёшлар масаласи — давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир. Уларни соғлом, маънавий етук, ватанпарвар қилиб тарбиялаш мақсадида яқинда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунни алоҳида таъкидлашимиз керак. Мазкур қонун ҳам давлатимиз томонидан ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрлиқнинг ёрқин намунасидир.

Мамлакатимизда Конституция асосида миллий қонунчилик тизими яратилди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фўқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда самарали ишлаши жараёнларини ёшларнинг иштирокига тасаввур этиб бўлмайди. Ёшлар мустақил давлатимизнинг стратегик мақсади саналади. Шу боис галдаги устувор вазифалардан бири мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳисобланади. Сабоби, бугунги ёшлар Ўзбекистон давлатининг эртанги тараққиётини белгиловчи куч саналади. Шу нуктаи назардан қараганда, мамлакатимиздаги бугунги ҳуқуқий ислохотларнинг мақсади айнан мустақиллик мафқураси руҳида тарбияланаётган, миллий ва умумбашарий қадриятлари кенг ўзлаштирилаётган ёшларимизнинг истиқболига қаратилган.

Зеро, Конституция ва қонунлар ҳамда инсон ҳуқуқи ва эркинлиги устувор бўлган давлатнинг пойдевори мустаҳкам бўла-

ди. Ҳар бир шахснинг ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ва уни амалда ҳимоя қила олиши мамлакат тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади.

Қабул қилинган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда инсон тақдир, ҳуқуқлари, манфаатлари, эркинлиги муҳассамдир. Фўқароларимиз, айниқса ёшларимиз ўшбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини билиши ва ундан амалда фойдалана олиши лозим. Бунинг учун эса ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарур. Бунинг учун мактабларда, лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртида ҳуқуқий билим бериш самарадорлигини ошириш зарур. Кези келганда бир нарсани айтиб ўтишимиз керакки, ҳуқуқий билимга эга бўлган ёш қадами оқибатини ўйлайди. Ҳуқуқий онги ва маданияти юксак бўлган авлод жамият ривожига ҳизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий маданияти юксалган ёшлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини тегаранг равишда билиши, ҳуқуқини билган эса ҳаётда адашмайди. Давлатимиз томонидан ёшларнинг таълим ва тарбиясига оид қилинаётган ишларнинг барчаси уларнинг билимли, бахтли, баркамол бўлиб ўлгайишларига ҳизмат қилади.

Максуд ҒУЛОМОВ,
Бощ прокуратура хузуридаги СВОЖЖДПК
департаменти Бектемир туман бўлими катта
суриштирувачиси

Қонун барчага баробар

Тошкент шаҳар прокуратураси фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тўланишда қонунийликка риоя қилиниши юзасидан назорат олиб бормоқда.

Ҳозирда Тошкент шаҳрида жами 505 та маҳалла фўқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Шу кунда асосий эътибор маҳалла фўқаролар йиғинлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш билан бир қаторда, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган маблағларнинг сарфланиши қонунийликка қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги "Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 140 та кам таъминланган оилаларга жами 549,0 млн. сўм моддий ёрдам, 447 нафар оналарга 2 ёшгача фарзандларини парваришлаш учун жами 1.905 млрд. сўм ҳамда 52 та кўп болали оилаларга жами 114,4 млн. сўм ижтимоий нафақалар тўланган.

Шу билан бирга, прокурор назорати шуни кўрсатмоқдаки, мазкур соҳада кўплаб қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Назорат-тафтиш органлари томонидан 111 та ўзини ўзи бошқариш органларида ўтказилган текширишларда 243 та оилаларга жами 390.137,9 минг сўмлик ижтимоий нафақаларнинг ноқонуний тайинланиши ҳолатлари аниқланганлиги шундан далолатдир.

Нафақалар 131 та оилаларга бола парвариши учун, 65 та кўп болали оила учун, 40 та кам таъминланган оила учун ўтғури тайинланганлиги аниқланиб, ноқонуний тўланган пулларнинг бюджетга 13501,7 минг сўмлик қайтарилган. 113 та маҳалла фўқаролар йиғини бўйича, шу жумладан Олмазор туманида 96 та, Сергели туманида 8 та, Шайхонтоҳур туманида 5 та ва Мирзо Улугбек туманида 4 та оила бўйича ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чора қўришлик учун юборилган.

Жумладан, Шайхонтоҳур тумани "Шодлик" маҳалла фўқаролар йиғинида Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаси томонидан ўтказилган текширишда фўқаро Д.Султановага унинг нафақага муҳтож эканлиги ҳақида сохта далолатнома тузилиб, бола парвариши бўйича 2016 йилнинг январь ойидан ҳар ойга 260.480 сўм, йилга жами 3.125.760 сўмлик ноқонуний нафақа тайинланган.

ИЖТимоий НАФАҚАЛАР ТўЛаниши АДОЛАТЛИ Бўлсин

лиги аниқланган. Текшириш натижалари бўйича Шайхонтоҳур тумани прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган ва айбдор шахсларнинг жавобгарлиги муқаррарлиги таъминланган.

Қатор ҳолларда фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги аризаларнинг қўриб чиқишида қонунбузилишлар аниқланиб, натижалари бўйича тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўйилган.

Масалан, Яшнобод туманидаги "Тузёл" маҳалла фўқаролар йиғини томонидан 13 та мурожаат бўйича, "Мустақиллик"нинг 10 йиллиги" маҳалла фўқаролар йи-

гини томонидан 8 та мурожаат бўйича, "Жарқўрғон" маҳалла фўқаролар йиғини томонидан 10 та мурожаат бўйича жавоб хатлари берилмаганлиги аниқланган. Текшириш натижалари бўйича Яшнобод тумани прокуратураси томонидан қорондида маҳалла раисларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка оид ишлар қўзғатилган ва суд қарорларига асосан уларга тегишли жараима жазоси тайинланган. Айрим ҳолларда эса фўқаролар томонидан асос-

сиз равишда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тўланиши талаб қилиниб, мурожаатлар қилинган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридagi қарорининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, тушунтириш ишларини олиб бориш муҳимлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, ўшбу ҳукумат қарори билан тасдиқланган амалдаги Низом фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, икки ёшга тўлгунча қадар бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Болали оилаларга нафақалар, бола

парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари белгиланган тамойилларга амал қилишлари керак.

Бу тамойиллар ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш, кенг ошқоралик ва очиқликни таъминлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз даромадларини оширишнинг аниқ имконияти бўлмаган, ҳақиқатдан эҳтиёжидан оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам бериш, нафақалар ва моддий ёрдамни манзилли тарзда тайинлашни таъминлаш йўли билан ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишдан иборат.

Бунда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларига айрим оилалар ва фўқаролар томонидан боқимандалик муносабатиде бўлиш, ўзининг иқтисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашиг иштилоқига йўл қўймаслиги, оила аъзоларининг моддий фаровонлиги, болаларни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама ҳисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий камол топиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, маълумоти ва касб даражасини ошириш борисида оиланинг масъулиятини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўз ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизда аҳолига оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат аҳолининг барча қатламларини, шу жумладан кам таъминланган оилаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилишга қаратилган.

Мухтор ШОДМОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
қонунчилик ижроси устидан
назорат бўлими катта прокурори,
адлия маслаҳатчиси

ЭЛ СОҒЛИГИ Йўлида

Тошкент шаҳар ҳокимлигида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли тармоқлари, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга доир устувор йўналишлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари билан учрашувида ҳам бу вазифалар атрофида таҳлил этилди, соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар, уларнинг ечимлари ва соҳанинг келажакдаги вазифалари белгилаб берилди.

Брифингда мазкур вазифалар ижроси бўйича шахримизда олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумот берилди ҳамда пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга доир Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинганлиги маълум қилинди.

Тадбир доирасида, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова, Қарорга мувофиқ, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги даволаш муассасаларига дори-дармон ва боғлов воситаларини харид қилиш учун ажратилаётган маблағ қамиде икки баробар оширилганини, ҳамда аҳоли айниқса, беморларга аниқ маълумотлар бериш мақсадида шифохоналардаги палаталарга тиббий мақсаддаги мавжуд дори-дармон воситаларининг рўйхати ёзиб қўйилишини ва даволанаётган беморларнинг дори-дармон воситаларини сотиб олиб келишига йўл қўйилмаслигини таъкидлади.

Шахримизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат ва тез тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш, оилавий поликлиникалар томонидан кўрсатилаётган патронаж хизмати самарадорлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, тиббий муассасалар фаолиятини янада такомиллаштириш, юз бераётган таъмагирлик, товланмаслик ва беморларга эътиборсизлик каби иллатларнинг олдини олишда Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати, муаммолари ва уни ривожлантириш истиқболлари мавзусида билдириб ўтган фикрлари дастуруламал бўлмоқда.

Пойтахтимизда тиббий хизматни ислоҳ этиш борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар жараёнида, дорихоналар фаолиятини такомиллаштириш, дори-дармон ва тиббиёт буюмларининг чекланган нархда сотилиш ҳолати ҳам мониторинг қилиб боришмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Улугбек Эгамбердиев. — Жумладан, тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник имконияти ҳам кенгаймоқда. Олиб борилаётган ҳар бир ишчимизда инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, яхшилаш, муҳофазалаш каби эзгу ниётлар мужассам. Зеро, инсон соғлиги, унинг саломатлиги бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир...

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашнинг янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу жабҳадаги ишларни яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тез тиббий хизматнинг моддий имкониятини янада яхшилаш мақсадида тизимга 20 та замонавий машина ажратилди. Мазкур тиббиёт машиналари энг замонавий алоқа тизимлари билан таъминланган бўлиб, жойларга ўз вақтида етиб бориш имконини бермоқда.

Жорий йилда шахримиздаги оилавий поликлиникаларга "Damas" автомашиналари ажратилиб режалаштирилмоқда. Бу билан эса тиббий-профилактика хизматининг тезкорлигини янада оширишга, патронаж хизмати кўригини кучайтиришга, аҳолининг мурожаатларига ўз вақтида жавоб беришга ва ҳар бир фўқаронинг тиббий хизматдан рози бўлишига эришилади.

Йиғилишда пойтахтимизда тиббий хизматни ислоҳ этиш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини кучайтириш борасида олиб борилган ишлар хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРПОРАЦИЯ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2017 йил 13 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтadиган аукцион савдо-ларига қўйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 24.01.2006 йилда 796-807/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган ва техник носоз бўлган: 1.1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30F4690 бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 15 700 789 сўм 77 тиын. 2.1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30F3807 бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 13 738 191 сўм 05 тиын. 3.1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10Y9656 бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 14 648 394 сўм 38 тиын. 4. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10L0110 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 23 799 964 сўм 77 тиын. 5. "Auto Plaza Service" жарима майдонида сақланаётган 03.05.2016 йилдаги 13419/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 L 390 DA, ранги оқ бўлган ВАЗ 2108 русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 12 419 350 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридagi автотранспорт воситалари ва мол мулк билан тегишли суд ижроичилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2017 йил 13 март куниндаги аукцион савдоси учун 2017 йил 10 март кунини соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион қўлиб сотиб олган автотранспорт воситаси қиймати 5 банк кўни мобайнида тўлалигига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44, (97) 764-81-86.

Гувоҳнома 004593.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРПОРАЦИЯ

"Тошкент оқшони" газетасининг 2017 йил 31 январь куниндаги № 21 (13.354) сониде чоп этилган ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 О 995 AA бўлган "Шевролет Оптра" ва "Тошкент оқшони" газетасининг 2017 йил 2 феврал куниндаги № 23 (13.356) сониде "2009 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01Н 243 СА бўлган "Каптив-1" жумлалари бундан кейин "2008 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 О 955 AA бўлган "Шевролет Оптра" ва "2009 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01Н 234 СА бўлган "Каптив-1" деб ўқилинсин.

"ТОШКЕНТ ОҚШОНИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент шаҳар ва Олмазор тумани хотин-қизлар қўмитаси Олмазор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мухаддам Мансуржонова Расуловага волидаи муҳтарамаси

Махтуммахон ая РАСУЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Танловлар

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ
БЕЛЛАШДИ

Маълумки, она Ватанимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб, миллий ғоя, маънавият, маърифат каби тушунчалар янгидан қайта шакллана бошлади. Барча соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам ана шу ғояларни кенг татбиқ этиш давлат аҳамияти даражасига кўтарилди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг "Маънавият тарғиботчиси" таълим муассасаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан ташкил этилган "Йилнинг энг маърифатпарвар тиббиёт ходими" кўрик-танловининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизда жойлашган тиббиёт муассасаларининг ходимлари иштирок этдилар.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006

йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизда миллий ғоя, маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини ва таъсирчанлигини, юртдошларимизнинг ҳаётга оғли муносабатини, юртимизда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, қолаверса, бу соҳада фаолият олиб бораётган шифокор мутахассислар ўртасидаги жамоатчи тарғиботчилар фаолиятини муносиб рағбатлантириш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар рес-



публикамиз истиқлолга эришганидан кейин мамлакатимизда тиббиёт тизимида олиб борилаётган tub ислохотларнинг олий мақсади – инсонларга хизмат қилиш этиб белгилангани ва ҳозирги пайтда шифокорларимиз замонавий технологиялар билан ишлаш бўйича жаҳонда илғор эканликлари ҳамда маънавият, маърифат, маданият тушунчалари соғлиқни сақлаш ходимлари орасида ҳам кенг тарғиб қилиб келинаётганлиги, шунингдек, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да ҳам бу йўналишдаги ишларни ташкил этишни янада юксакроқ даражага олиб чиқиш за-

рурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтган "Йилнинг энг маърифатпарвар тиббиёт ходими" кўрик-танловининг тақдимот маросими якунида барча қатнашчилар ҳамкор ташкилотлар томонидан тайёрланган фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шундан сўнг концерт дастурида театр актёрлари ҳамда эстрада санъаткорлари ўзларининг бадий ва мусиқали чиқишлари билан барча йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этишди.

Б. ЗУФАРОВ
К. Улмасов олган сурат

Спорт янгилликлари

НАВБАТДАГИ ЙИҒИН ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Туркиянинг Анталия шаҳридаги қисқа муддатли ўқув-машғулотлар йиғинини якунлади.

Терма жамоа йиғин доирасида иккита ўртоқлик учрашуви ўтказди. Дастлаб, Самвел Бабаев шогирдлари Россия премьер-лигаси вакили "Амкар" клуби билан куч сиなしб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Иккинчи беллашувда эса Ўзбекистон термаси Арманистоннинг "Алашкерт" клубига қарши майдонга тушиб, 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Ушбу ўйинда терма жамоа бош мураббийи асосан ёшларни синовдан ўтказди.

Қайд этиш жоиз, оилавий сабабларга

кўра Игнатий Нестеров Тошкентга қайтишга мажбур бўлди. "Алашкерт" билан ўйинда эса "Металлург" посбони Сухроб Султонов терма жамоа дарвозасини кўриқлади.

Мазкур йиғин Ўзбекистон терма жамоаси учун 2018 йилги жаҳон чемпионатида саралаш босқичи иккинчи давраси олдидан тайёргарлик вазифасини ўтаб берди. Бундан аввал терма жамоа январь ойида Бирлашган Араб Амирликларида машғулот ўтказган эди.

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

Навоий шаҳрида Ўзбекистон сузиш федерациясининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Йиғилишда 2013 – 2016 йиллар давомида амалга оширилган ишлар юзасидан Федерация раҳбарияти ҳамда бош мураббийларнинг ҳисоботи тингланди.

Конференцияда сув спорт турлари бўйича эришилган муваффақият-

лар билан бирга, мураббийлар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш чоралари ҳамда истиқболдаги режалар ҳусусида атрофлича тўхталиб ўтилди. Шунингдек, сув спорти турларини мамлакатимизда янада ривож-

лантириш, аynиқса келажгимиз эгалари бўлган ёшлар орасида оммавийлик даражасини юксалтириш масаласига алоҳида ургу берилди.

Конференцияда сузиш федерацияси раҳбариятининг янги таркиби ҳам сайланди.

КУМУШ КАМАР УЧУН БАҲС ЮРИТИЛДИ

Россиянинг Челябинск шаҳрида ташкил этиладиган профессионал бокс кечасида ўзбекистонлик Ферузбек Йўлдошев WBC йўналиши бўйича "Asian Boxing Council Silver" кумуш камари учун мезбонлар вакили Рустам Нугаев билан жанг қилади.

Ҳамюртимизнинг рақиби Рустам Нугаев эса фаолиятини 2001 йили бошлаган. Кучли зарбага эга боксчи 28 та ғалабадан 18 тасини муддатидан олдин қўлга киритган. Шунингдек, битта жангда дураг қайд этиб, етти маротаба мағлуб бўлган.

Ўзбекистонлик боксчиларга маъқул келган томони шундаки, Рустам ҳеч қачон ўзбек бокс мактаби вакилларини енга ол-

маган. Дастлаб З.Тойғонбоевга, кейин А.Раҳимовга имкониятни бой берган. Шундай бўлсада, Рустам Нугаев 2016 йилнинг 17 декабрь кuni филиппинлик энгилмас нокаутчи Арди Бойосени нокаутга учратиб, "Asian Boxing Council Silver" камарини қўлга киритди. Энди Руслан бу совринини Ферузбек Йўлдошевдан ҳимоя қилишга уриниб кўради.

Ботир ХҲЖАЕВ

Мамлакатимизда ҳакамлик соҳасига ёшлар орасида қизиқиш кучайиб бораётганлиги сабаб, иқтидорли ёш ҳакамлар ҳам халқроқ турнирларда футбол ўрашувларини муваффақият билан бошқариб келишмоқда.

ҲАКАМЛАРИМИЗГА ЯНА ИШОНЧ
БИЛДИРИЛДИ

Мальдив пойтахти Мале шаҳрида ОФК кубоги саралаш турнири доирасидан ўрин эгаллаган Мальдивнинг "Валенси" ҳамда Ҳиндистоннинг "Мохун Баган" клублари ўртасидаги баҳс бўлиб ўтади. 21 февралда уюштирилаётган

ушбу ўйинни ФИФА рефери-си, ҳамюртимиз Азиз Асимов бош ҳакам сифатида бошқарса, унга қанотларда Маъмур Саидқосимов ва Хусниддин Шодмонов ёрдам беришади. Шунингдек, Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи 1-туридан

ўрин олган Катарнинг "Ал-Рай-ян" ҳамда БААнинг "Ал-Ваҳда" жамоалари учрашувида Валентин Коваленко бош ҳакам этиб тайинланган бўлса, қанотларда унга Руслан Серазитдинов ва Андрей Цапенко ёрдам беришади.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

ТИНЧЛИК ВА ОСУДАЛИК —
ХАЛҚИМИЗНИНГ БОЙЛИГИ

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинч-осуда ҳаёт, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ички ишлар органлари ходимларининг ҳам хизмати катта. Аҳоли ўртасида тартиб-интизомни янада кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган профилактика инспекторлари, милиция таянч пунктлари, "Маҳалла посбони" каби институтларнинг самарали фаолият юритаётгани осудалигимизни таъминлашга хизмат қилаётир.

Ички ишлар органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуний базаси мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь кuni қабул қилинган "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуни соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев соҳа вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказаяётгани фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлаётир. Жорий йилнинг 9 февраль кuni давлатимиз раҳбари раислигида ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ички ишлар органлари фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, муҳим устувор вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда қўтарилган масалалар барча ички ишлар органлари, жумладан, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилан олindi. Президентимизнинг ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини "Жинойятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кuni" деб эълон қилиш ҳақидаги тақлифи ходимларимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Чунки жиноят содир этилгандан кейин уни фoш этишга қаратилган чора-тадбирлар олиб боришдан кўра, жиноятнинг олдини олиш, профилактик тадбирлар ўтказиш самаралироқдир. Шу мақсадда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида жиноятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш бўйича тадбирлар ва профилактика-сига бағишланган чиқишлар ташкил этилаётир.

Жиноятлар муҳокамасини ташкил этиш, тарғибот-ташвиқот учрашувлари, йўл-ҳаракат хавфсизлиги профилактикаси бўйича рейдлар, ёнғин хавфсизлиги профилактикаси тадбирлари белгилан олindi. Интернет-кафедрлар ва туғик клубларда профилактик рейдлар, паспорт-виза тартиб-интизми таъминлаш, гиёҳвандлик ва бошқа иллатларнинг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирлари шакллантирилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг шарт-шароит ва омилларини ўрганиш, профилактика мақсадида ҳар бир жиноят тафсилотини ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чуқур таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган фикрларини амалда жорий этиш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти томонидан жойларга чиқиб, фуқароларни сайёр қабул қилиш йўлга қўйилди. Бунда нафақат ижтимоий масалалар, балки жиноят ишлари бўйича уларни қизиқтирган саволлар, юзга келаётган муаммоларга шу ернинг ўзига ечим топиш мақсадида бу ишга терговчилар, жиноят қидирув ходимлари кенг жалб этилаётир.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг quvd.uz виртуал қабулхонаси ишга туширилди. Натижада фуқароларга пойтахт ички ишлар органлари фаолиятига оид масалалар, муаммолар юзасидан ариза, шикоят ёки тақдирлар билан бош бошқарма раҳбарига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконияти яратилди.

Видеоселектор йиғилишида чет элга иш қидириб кетган фуқароларни аниқлаш ва қайтариш, маҳалла раислари, имомхатиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорлиқда аҳоли орасида диний экстремизмнинг салбий оқибатларини тушунириш ишлари сустиги таъкидланди. Демак, бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур.

Йиғилишда ёшлар ва аёллар жиноятчилиги борасидаги ҳолат, 2016 йилда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг жиноятга қўл ургани, умумий жиноятларнинг олти тасидан биттасини хотин-қизлар содир этгани ҳам танқид остига олindi. Президентимиз таъкидлаганидек, бунинг асосий сабабларидан бири ўрта махсус, касб-хунар билим юртларида ўқувчиларнинг давоматли тушиб кетгани, бу ҳолни ўрганиш ва назорат қилиш бўйича муқаммал тизим яратилмагандир.

Президентимиз танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қондаси бўлиб қолиши, муаммоларни кабинетда ўтириб эмас, балки халқ орасида юриб аниқлашга ва уларнинг ечимини топишга қаратиш, аynиқси натижа учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш, фуқаролар мурожаатларини қисқа муддатларда ҳал қилиш, ишда аниқ тартиб ва қатъий интизом ўрнатиш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатлар илдизини қуритиш ички ишлар органларининг устувор вазифаси эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган танқидий фикрлар, талаб ва вазифалар ички ишлар органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклаши билан бирга, соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тулаган АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ички таъминот бўлими хизмати ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари
ЎЗА

ФИФА РЕФЕРИСИ БИЛАН
УЧРАШУВ

Пойтахтимиздаги "Ором" 38-умумтаълим мактабида ФИФА рефери Равшан Эрматов билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда ёшларнинг юксак маънавиятли, баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилгани алоҳида таъкидланди.

Р.Эрматов 2003 йилдан буйён ФИФА таснифидаги футбол бўйича деярли барча нуфузли турнирларда ҳакамлик қилмоқда. Ўзбек ўғлони беш маротаба "Осиёнинг энг яхши ҳаками", деб тан олindi. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда "Жаҳоннинг энг яхши ҳаками" сифатида эълон қилди. 2015 йили футбол оламининг нуфузли мукофотларидан бири – "Globe Soccer Awards" совринини қўлга киритди.

Равшан Эрматов 2010 йили Жанубий Африка Республикаси ва 2014 йили Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатларида иштирок этди. Жаҳон чемпио-

натлари финал босқичида энг кўп – 9 учрашув бошқариб, дунё рекордини ўрнатди.

Равшан Эрматов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов фармонларига мувофиқ 2010 йили "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони, 2014 йилда "Эл-юрт хурмати" ордени ва 2015 йил "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланган.

– Халқаро майдонларда Ватанимизни шарафлаш, унинг обрўси юксалишига ҳисса қўшиш – энг олий бахт, – дейди Равшан Эрматов. – Нуфузли мусобақаларда ҳеч қимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни исботлашдек эзгу мақсадимга етишганимдан хурсандман.

Учрашувда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА муҳбири

ЯНГИ РЕЙТИНГ
ЖАДВАЛИ

ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 63-ўринга лойиқ қўйилди. Аввалиги рейтингда 61-ўринда қайд этилган миллий терма жамоамиз 2 поғона пастга шўнғиди. Аммо Осиё миқёсида миллий терма жамоамиз Эрон, Жанубий Корея, Япония, Австралия ва Саудия Арабистони тер-

ма жамоаларидан кейин 6-ўринда бормоқда.

ФИФА рейтингини ҳамон турнири доирасидан ўрин вонбоши сифатида бошқараётган бўлса, ундан кейинги ўринларни Бразилия ва Германия терма жамоалари эгаллашган.

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12148 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бoш муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@uamail.uz
Буюртма Г- 235